

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 93 (6836)
1997 йил, 26 ноябрь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

**ҲАФТАНИНГ
ЕТТИ КУНИ**

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 ноябрь куни АҚШ Конгресси Вакиллар Палатасининг ташкилий-процессуал кумитаси райси Жералд Соломон раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари америкалик конгрессменларни Ўзбекистонга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз уртасидаги алоқалар парламентлар даражасида ҳам жадал ривож топаётганидан мамнуният изҳор этди. Сухбат чоғида икки мамлакат парламентлари уртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, узаро муносабатларни ривожлантириш ҳамда минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗУВЧИЛАР АКАДЕМИК БЎЛИШДИ

Америкадан хушxabар келди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Олий Мажлис депутаты Нъмат Аминов АҚШ Фан, техника ва санъат академияси аъзоси — академиги этиб сайландилар. Ўзбекистонлик адибларнинг сўз санъати, адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси океан эътирофи этилиши юртдошларимиз, сиз, азиз болажонлар қалбида алоҳида фахр-ифтихор туйғусини уйғотиши шубҳасиз.

ЎН УЧ ЁШЛИ МУСАВВИР

Қушработ туманининг Бойтуп қишлоғидаги 68-мактабда таҳсил олаётган 6-синф ўқувчиси Даврон Бегимкулов Японияда бўлиб ўтган бутун дунё болалар суратлари кўргазмасида иштирок этиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Даврон Канагава шаҳрида анъанавий равишда уюштирилаётган кўргазмага узининг «Бозор» деб аталган расмини юборган эди. Мутахассислар ёш мусаввирнинг ижодини юксак баҳоладилар.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР УЧУН

Пойтахтимизда Хорижий сармоялар агентлиги, «Соглом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ва Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида «Matherscare» (Она гамхурлиги) фирмасига қарашли дукон очилди. У ерда фақат оналар ва болалар учун мулжалланган товарлар билан савдо қилинади.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» КИМНИКИ?

Тил — миллатнинг, ватаннинг узлигини белгилайдиган асосий мезон, жамиятнинг қуролдир. 1989 йил 21 октябрь куни тилимизга давлат мақоми берилиши қалбимиздаги 70 йиллик яраларга малҳам бериб, кунглимизда чексиз ифтихор, фахр туйғуларини уйғотди.

Мана уша воқеага ҳам сак-

ҳолатни у кишига ўзбекча муружаат қилганимизда яққол кузатдик. Сузимизнинг қоқ уртасидан булиб: «Девушка, давай говорить по-русски или не умеете что ли?» — дедилар, қошларини чимириб. Бу «илик» муомалани эпитиб гимназияга келлаётиб кунглим осмонда чарҳ ураётган гузал уй-хаёллар-



**ОНА ТИЛИМ, СЕН БОРСАН ШАКСИЗ
БУЛБУЛ КУЙИН ШЕЪРГА СОЛАМАН,
СЕН ЙЎҚОЛГАН КУНИНГ ШУБҲАСИЗ,
МЕН ҲАМ ТЎТИ БЎЛИБ ҚОЛАМАН!**

киз йил тулди, хуш, шу утган саккиз йил мобайнида тилимизнинг янада юксалиб, мукаммаллашуви учун нима ишлар қилинди ва қилинмоқда?..

Яқинда обуна масаласи билан Тошкент шаҳридаги урис тилига ихтисослаштирилган 42-мактаб-гимназияга борадиган булдик. Борарканмиз, йул-йулакай газетамиз ҳақида, бугунги кунда газета обунаси буйича қилинаётган ишлар ва болажонларнинг газетамизга қай даражада қизиқишлари ҳақида, мактаб директори билан маза қилиб суҳбатлашамиз, фикр алмашамиз деб уйлаб қуйгандик. Аммо уйдаги гап кучага туғри келмайди деганлари рост экан. Директор онанинг энсалари қотандек булди, айниқса бу

дан асар ҳам қолмади, барибир узимни қулга олиб, урисча мулоқот йулига утдим. — Тамара Назаровна, 1998 йил учун «Тонг юлдузи» ҳар бир синф нечтадан обуна булишни режалаштиргансизлар?

— «Тонг юлдузи»? Қизиқ, шунақа газета ҳам бор экан-да! Менимча у боғча болалари учун чиқариладиган расмий газета булса керак-а? Шундайми?

— Йўқ, республика ўқувчилари ва усмирларининг газетаси бу, олдинги «Ленин учкунни»...

— Ҳа, назаримда бу номни сал эшитгандайман... сал танишроқ. Энди обуна масаласига келадиган булса, бу ҳақда ҳеч қанақа гап булиши мумкин эмас. Ўқувчиларимизнинг ҳам-

ТИЛИНГ ОМОНМИ, ЎЗБЕГИМ?

маси руслашгани учун ўзбекча уқимади.

— Ахир Ўзбекистонда яшаб туриб ўзбекча билмаслик, бу — ўзбек тилига ҳурматсизлик эмасми? Қолаверса бизнинг газетамизда тил урганиш борасида анча яхши ишлар йулга қуйилган... Мақтаниш эмасу, «Маърифат ёғдулари», «Бола ва дунё» рукнларини уқисангиз бунга узингиз ҳам амин буласиз, қолаверса, «Тонг юлдузи» сиз айтганингиздек боғча болаларининг расмий-рангли газетаси эмас, балки том маънода Ўзбекистон болалари ва усмирлари газетасидир. Унда ҳамма нарса: маърифат, маънавият, иқтисод, сиёсат, маданиятдан тортиб, бугунги куннинг энг долзарб мавзуларигача ёритилади.

— Кечирасиз, қисқароқ қилишнинг иложи йўқ-ми? Агар қайси болага шу нарсалар керак булса сизнинг уша «оламшумул» газетангизни топишсин-да бориб уйларида уқишсин, урганишсин, марҳамат, ҳеч ким уларга қаршилик қилаётгани йўқ. Лекин бизда уқиш, уқитиш ҳамма нарса рус тилига мослаштирилган, шундай экан, бизга ортиқча ўзбекча гап-сузнинг ҳам, ҳеч қанақа газетанинг ҳам кераги йўқ.

У гап тамом вассалом дегандек, суҳбатга яқун ясади. Мен эса бу ноқулай аҳволдан қутулиш мақсадига ҳовлига, болалар майдончасига чиқдим. У ерда 9-синф ўқувчилари, узларининг физика ўқитувчилари Файзова Асия Халиловна билан ҳозиргина тугаган профил дарсининг натижаларини таҳлил қилаётган эканлар.

— Кечирасиз, аёлчи жамоатчи ўқувчиларингиздан бирортасининг номини айтиб утсангиз, — дедим сал чучиброқ, чунки гимназиянинг директори Тамара Алексеевна Назарова билан булган суҳбатдан кейин анчагина юрак олдириб қуйгандим.

Бахтимга Асия она узларининг бир-икки оғиз сузларини мендан дариг тутмадилар.

— 9-«А» дан Хайдарова Камилла, 9-«В» дан Зокиров Ерқин.

Мен узини «Закиров Ярқин» деб таништирган «аёлчи» болани суҳбатга тортидим.

— Менга қара Ерқин, нега ўзбекчани бунақа қийналиб гапирсан, узинг ўзбек экансан, уз она тилингда шунақа қийналиб гапирсанг уят эмас-ми?

— Мен кичиклигимдан русский дetsадга борганман, ну хозиргиси ҳам русский школа, кароче мен «ўзбекча» билан занмиаьса қилишга хоҳламайман... тем более хозир ўзбекчани билиш унчалик шартмас, самий главний англискийни, русскийни от и до билсанг ҳамма иш беш.

Рус гимназиясидан «тарвузим қултигимдан туниб» қайтдим.

Йўқ, мен ҳар бир миллат уз она тилини мукаммал билишни хоҳлардим, айна пайтда Ўзбекистонда яшаб туриб унинг тилига нописандлик билан қараш—курнамакликдир.

Санобар МЕХМОНОВА

Миннорахон Эндигина
4-синфда ўқияпти. Пекин қўлга қалам олиб, шеър машқ қила бошлади. Албатта бу шеърларни ажойиб, пухта-пишиқ деб бўлмайди. Аммо унинг мурғак қалбига тушган шеър ишқи бизни жуда қувонтирди. Чунки шеърга ошнолик — нафосатта ташналик дегани. Зеро, гузалликка интилган қалб, ҳаммиша ҳуради.

14 ЕРИМ

Ўзинг менинг борлигим
Ёзолмаган шеъримсан.
Сенга таъзимлар қилай
Буюк она еримсан.

Алпомишнинг нафаси,
Сен пешона теримсан.
Бағрида теримсан,
Гўзал она еримсан.

ТЕРАКЛАР

Қиш келди, заминга ёғди
кумуш қор,
Азал-азал қишининг гўзал
завқи бор.

Япроқлари қарсак
чаллишдан тўхтаб
Тераклар жим турар,
жилмайиб бедор.

Минора ОБИДОВА,
Тошкент шаҳридаги
260-мактаб ўқувчиси

Мактабимнинг 70 йиллигига

Бағишлов

Етмиш йиллигингни
қутламоқ бўлиб,

Қўлга қалам олдим,
юракда илҳом.

Ўзинг бешик бўлдинг
камолотимга

Ўзингсан мен учун
муқаддас пайғом!

Қаерларда бўлмай
қалбимда ўзинг,

Кўнгил даричамни
ёритган хаёл,

Жоним аро кулар
мунаввар изинг,

Дардимга малҳамсан
чашмай зилол.

Майли, шеърларимни
билмасин дунё

Титрайман шеъринг
остонасида

Ўзинг илҳомчимсан
менинг аввало

Абад тур кўнгилинг
кошонасида!

Рамазон БАҚОЕВ,
Бухоро вилояти

Ғиждувон
туманидаги 7-ўрта
мактаб ўқитувчиси

50 ГАПДАН ИБОРАТ ТАБРИК

Мактабимиз сардори Розия опа Шукуруллаева яқинда 50 ёшга тулдилар. Бу меҳрибон опамиз биз болаларни жондилдан севадилар. Синфимиз жамоаси билан келишиб Розия опамизнинг юбилей тантаналарига узимизнинг ажойиб совғамизни тайёрладик. 50 та гапдан иборат табрик дастури тайёрлаб йиғилганларга намойиш этдик. Розия опамизга анвойи гуллар

Кутлов

инъом этдик. Даврадаги барча меҳмонлар, устозларимиз ва мактабдошларимиз бизнинг чиқишимиздан хурсанд бўлиб роса олқишладди.

Тантанада дил истаклари, куй-қушиқлар янграбгина қолмай, опанинг ҳаёт-фаолияти ҳақида ҳам гапирди. Айниқса менга Розия опамизнинг ҳаётнинг оғир синавларига бардош бериб яшаганлари таъсир қилди. Менинг онам ҳам узимизнинг мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдилар. Ушақуни уйга қайтгач, онам билан Розия опа ҳақида суҳбати-

миз давом этди. У киши беш нафар уғил фарзандни елгиз узлари тарбиялаб, ўқитган эканлар. Оналик вазибаларини аъло даражада бажариш билан қарийб уттиз йилдан буён педагоглик касбини ҳам улуғлаб келаётган эканлар. Ростини айтсам, мен у кишининг иродасига қойил қолдим. У киши ҳозирги кунда

бир неча келинлар ва невараларнинг сеvimли ойини жониси. Мингта яқин мактабимиз ўқувчиларининг хурматли ва гамхур опахони. Шу муборак айём арафасида эзгу фазилатли инсон Розия опа Шукуруллаевага сеvimли газетамиз орқали мустақкам соғлик, узоқ умр, шарафли ҳамда масъулиятли ишларида чиндилдан омад тилаб қоламиз. Минг йиллар яшанг, қадрли Розия опа!

Бухоро шаҳар
22-мактаб ўқувчилари
номидан
Нигина РАЖАБОВА

«Кичкинтой»га мактуб

Кеча боғчадан қизим Нигора жуда хомуш қайтди.

— Ҳа, Нигоржон, яхши келдингми асалим, нега кайфиятинг йуқ деб эркалаб суровдим:

— Э, бирпас жим турсангиз-чи, — деди. Жуда ғалати бўлиб кетдим. Аммо индамадим. Негадир қизим жанжалга баҳона излаётгандек эди. Куп утмай опасига бақира кетди:

— Нега курткамни баландга осиб қуйдинг, ҳе оғзингдан қонинг келсин, хупми.

Бу гапни эшитдим, турган жойимда қотиб қолдим. Бизнинг уйда ҳеч қачон бунақа гап ишлатилмасди-ку. Қаердан ургана қолдидикин? Секингина Нигорани чақириб сурадим:

ОҚЛАНМАГАН ИШОНЧ

— Она қизим, еш бола ҳам, катта киши ҳам ҳеч қачон бунақа гап айтмаслиги керак. Ахир бу ёмон гап-ку! Қаердан ургандинг? Ким ургатди сенга бу қарғишни?

— Ҳеч қанақа ёмон ҳам гап эмас, қарғиш ҳам эмас. Бу шунчаки қулоқсиз болаларга айтилаётган гап-ку. Бизга боғча опамиз бу гапни ҳар кун айтадилар. Бугун сал уйкум келмовди менга ҳам «ухла, оғзингдан қонинг келгур», — дедилар. Боғча опам ҳеч қачон ёмон гап айтмайди. Бу яхши гап деб бидирларди қизалогим.

Ахир биз болаларимизнинг тарбиясини, келажагини ишониб шуларнинг, яъни боғча опаларининг қулига топширсагу булар ишонччи оқлаш, шу ишончга муносиб бўлиш урнига болаларимизга ҳар хил ҳақоратларни ургатишса, буни қандай тушуниш керак? Сизларга шу хатни ёзаётим, эртагаёқ, қизимни бошқа боғчага утказаман деган қатъий қарорга келдим. Аммо янги боғчанинг аҳволи ҳали менга қоронгу. Хатни эса балки буни ўқиган бошқа боғча опалар болаларга сал уйлаброқ муомала қилишар деган мақсад билан сизларга жунатяпман. Салом билан

Шайхонтохур туманидаги
456-боғчада тарбияланувчи
НИГОРАНИНГ АЯСИ

Виждон

ЖАНОБ ФЕРМЕРНИНГ НИЯТИ ПУЧГА ЧИҚДИ

13 ёшли Анхело Лазарес расм чизишни жуда севади. Айниқса миниатюра йуналишига қизиқиши катта. Унинг бу қизиқишидан бир бадавлат фермер фойдаланмоқчи бўлиб, Анхелосдан Англияда утган асрда чиқарилган дастлабки марканинг нусхасини чиздириб ку-

ради. Анхелос икки соатча уриниб филателия журналида босилган марка суратининг нусхасини чизади. Нусхани аслидан ажратиб бўлмасди. Фермер амаки Анхелоснинг қулига 25 доллар бериб, бу ҳақида ҳеч кимга чурк этмаслигини ўқитди. Биргалашиб шундай иш қилишса тез кунда

Анхелосга анча пул беришни ваъда қилади.

Анхелос бир неча кун индамай юрди, лекин узиктидорини кузбуямачилликка алмаштиргиси келмади ва булган воқеани ота-онасига айтиб берди. Улар эса полицияга...

Тарихимизни ўрганамиз

Болалар! Ҳар бирингизга маълумки, Она Шарқ азалдан маънавият ва маърифат бешиги бўлиб келган. Бунга яққол мисол — Беруний бобомизнинг ақл чироғи Христофор Колумбдан неча асрлар олдин Америка қитъасини ёритганлиги, Исаак Ньютондан бир неча юз йиллар олдин Носириддин Тусий бутун олам тортилиш қонунига асос солиб кетганлигини айтсак.

Фақатгина маърифат дунёсида амас, балки маънавият оламининг серқирралиги билан ҳам Урта Осиё алоҳида ажралиб туради.

Сизнинг ўтмишида ўтган буюк алломаларимизга бўлган эътиқодингиз, қизиқишингиз бизни жуда қувонтирмақда. Яқинда Денов туманидаги 11-мактаб ўқувчиси Фарида Маматмуродовадан мактуб олдик. Унда Фарида: «Тонг юлдузи», сенинг саҳифаларингизда жаҳонга машҳур аллома, буюк муҳандис имом ат-Термизийнинг ҳаёт йўли ҳақида ўқишни хоҳлайман», деб ёзди. Биз сизнинг ва тенгдошларингизнинг қизиқиш, эътиборларингизни инобатга олиб, ана шу машҳур аллома ҳақида қисқача маълумот бераёلمиз.

АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ

Ат-Термизийнинг тулик номи Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок Абу Исо ас-Суллабий аз-Зарийр ал-Бугий ат-Термизий бўлиб, у ҳижрий 209 (милодийда 824) йили Термиз яқинидаги Буг (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод ноҳияси ҳудудида жойлашган) қишлоғида камбағал оилада таваллуд топган. Урта Осиёлик тарихчи Абу Саад Абдул Карим ас-Самъоний (1113—1167) ат-Термизий Буг қишлоғида вафот этганлиги учун ал-Бугий таҳаллуси билан ҳам аталгани ҳақида ёзади. Олим умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганлиги сабаб бўлса керак, уни аз-Зарийр (кўзи ожиз) деб ҳам аташган. Лекин халқ орасида кўпроқ ат-Термизий номи билан машҳур.

Ат-Термизийнинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган, фақат тарихчилар унинг «бобом асли марвлик эди, у киши Лайс ибн Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келганлар» деган фикрни келтириш билан чегараланадилар. Ат-Термизий ёшлигидан гоят-

да тиришқоқ, идрокли ва закий бўлиб, бу хусусиятлари билан уз тенгдошларидан ажралиб турган. Унинг ёшлик чоғларидан илмга ўта қизиқиши ва иштиёқи ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса ҳадис илмини чуқур эгаллашида намён бўлди. У анча ёшлигидан Термиз, Самарқанд, Марв ва Урта Осиёнинг бошқа шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламолар ва муҳандислар асарларини кунт билан ўргана бошлаган. Балх ва Ҳайратон шаҳарларидаги илм аҳллари билан илмий алоқаларнинг ўрнатилишида ҳисса қўшган термизлик олимлардан. Илм-фанга ташна олим узоқ юртларга, қатор хорижий мамлакатлар ва шаҳарларга сафар қилади. Жумладан у Ҳижозда, Макка ва Мадина, Ироқ, Хурсон ва бошқа қатор шаҳарларда бўлади ва ушбу жойлардаги кўплаб муҳандислар, уламолар билан мулоқотда бўлиб улардан таълим олади, қизгин илмий мунозара ва баҳсларда иштирок қилади. Узоқ йиллар давом этган сафарлари чоғида ат-Термизий нафақат ҳадис илмидан, балки алқироат, ал-баён, фикҳ, тарих ва фаннинг бошқа соҳаларидан ҳам кўплаб устозлардан сабоқ олиб уз илмини оширади. Булар ҳаммаси ат-Термизийнинг даврининг йирик олами даражасига етишида мустақкам замин тайёрлайди. Шу билан бир қаторда ат-Термизий ўзи ёшликдан қизиққан ҳадисларни тўплашга алоҳида эътибор билан қарайди. Бу борада у ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. Узи ўқиган ёки бирорта ровийдан эшитган ҳадисни изчиллик билан аниқлагач ва қайта-қайта текшириб, тўғрилигига тў-

лик қаноат ҳосил қилгач, уларни алоҳида-алоҳида махсус қоғозларга қайд қилиб борган. Ҳадис илмини ўрганишда ва такомиллаштиришда имом ат-Термизий ўз даврининг кўпгина машҳур муҳаддисларидан таҳсил олди. Имом ал-Бухорий, имом Муслим, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Гийлон, Саид ибн Абдурахмон, Муҳаммад ибн Башшод, Али ибн Ҳожар, Аҳмад ибн Муний, Муҳаммад ибн ал-Мусанно ва қатор таниқли муҳаддисларини унинг устозлари сифа-



тида курсатиш мумкин. Имом ат-Термизий ўз даврининг етук муҳаддиси сифатида кўпгина шогирдларга устозлик ҳам қилган. Унинг шогирдларидан Маххул ибн ал-Фазл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Абу ибн Муҳаммад ан-Насафан, Ҳаммад ибн Шокир, Ҳайсам ибн Қулайб аш-Шоший, Абу ал-Аббос Муҳаммад ибн Маҳбуб ал-Маҳбубий каби етук олимларни кўрсатиш мумкин.

Ўз ижодий фаолияти даврида ат-Термизий ундан ортиқ асарлар яратди. Унинг маданий меросида шубҳасиз, «Ал-Жомий» асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асар «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ» («Ишончли тўплам»), «Ал-Жомий ал-қабийр» («Катта тўплам»), «Саҳиҳ ат-Термизий», «Сунан ат-Термизий» («Термизий суннатлари») номлари билан юритилади. Муаллифнинг йирик асарларидан яна бири «Аш-Шамойл ан-набавия» («Пайгамбарнинг алоҳида фазилатлари»)дир. Бу асар «Аш-Шамойл Муҳаммадия», «Аш-Шамойл фи шамойл ан-Набий саллоллоҳу алайҳу васаллам» номлари билан ҳам аталади.

Азиз болалар! Кейинги сонларимизда сиз Термизий бобонгизнинг ҳадисларидан намуналар ўқийсиз.



Болалар, сизга айтсам, олам бутун бир гузалликдан иборатдир. Мана шу бутунлик ичида яна бир гузал олам бор. Бу — эртақлар олами...

Ҳаётни ҳар ким ўз тасаввурда «янгича яратиб» кўради. Дастлаб, одамлар ўзларининг ўй-хаёлларини, орзу-истакларини эртақлар орқали баён қилишган. Шунинг учун ҳам эртақлар эзгуликка етақлар, — деймиз.

— Баъзилар ҳаётнинг ўзи бир эртақ-ку, дейишади. Уму-

камолотга етказишдир. Шунинг учун ҳам тарбиявий томонга кўпроқ эътибор берамиз ва эртақнинг ўзига хос сеҳрли кучларидан фойдаланган ҳолда болалар дунёқарашини кенгайтирувчи эртақлар топшига ҳаракат қиламиз. Шу ўринда адиб ва шоирларимиздан илтимос қилардимки, улар ҳозирги замон болаларига мос юқори савияли, кизиқарли ва таъсирли эртақлари билан бизнинг

ли булиши учун эртадан-кечгача тинмай изланишмоқда. Улар келгусида эртақларни ҳам саҳналаштирилган ҳолда болалар эътиборига тақдим этиш ниятида.

«Оқшом эртақлари» ижодкор гуруҳи Иноят опа бошлиги кўрсатув ҳақида фикр билдириб, қуйидаги муаммолар устида тўхталдилар:

— Бизнинг кўрсатув ташкил этилганига 10 йилдан ошди. Ушандан бери «Оқшом эртақлари»да фойда-

Иноят опа иш фаолиятини дастлаб радиодан бошлади. Мактабда ўзининг яхши ўқиши, интизомлиги ва ташаббускорлиги билан ўқувчилар орасида алоҳида ажралиб турган Иноят Абдусоатовани 5-синфда ўқиб юрган чоғидаёқ радиого «Пионер эрталиги» (ҳозирги «Келажак тонги») эшиттиришига таклиф қилишган. Шунинг учун у радиода катта бўлганман, деб айта ола-



лар тайёрлади: «Ғазалхон ёшлигим», «Истеъодларни излаймиз», «Орзу», «Камолот», «Тенгдошлар», «Нишона» сингари кўплаб кўрсатувлар орқали болалар ва ўсмирлар ҳаётини ёритиб келди. Қанчадан-қанча истеъодли ёшларимиз ижоди билан томошабинларимизни таништирди, улар парвозига кўмак берди.

— Мен ҳаётимни телевидениесиз тасаввур қилолмайман. Бутун фаолиятим давомида болалар ва ўсмирлар учун кўрсатувлар тайёрладим. Шунинг учунми, ҳар доим ўзимни болалар орасида юргандек ҳис қиламан. Болаларни яхши кўраман. Болалигида ҳар бир инсон яхши бўлади. Бизнинг вазифамиз уларни бутун умр шундай сақлаб қолиш, деб биламан. Яқинда ўсмирлар учун «Умид» кўрсатувини тайёрлаш ниятидаман. Уни конкурс тарзида ўтказишни режалаштирмақдамиз.

Шарқ аёлига хос барча фазилатларни ўзида мужассамлаштирган Иноят опанинг оиладаги ўрни ҳам беқийсдир. Турмуш уртоғи таниқли режиссёр Ҳикматилла ака Абдусоатов билан 5 ўғил ва бир қизни тарбиялаб, вояга етказган, эндиликда нафақат телевидениеда, балки шириндан-ширин набиралари даврасида ҳам эртақчи бўвига айланган Иноят Абдусоатовага узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилаймиз. Хотиржамлик, соғлиқ бор жойда — ижодкорлик гуллаб яшайди-да!...

Жамила ТОЖИЕВА

ЭРТАҚЧИ ОПА

Болаларга қайғурмоқ — келажакка қайғурмоқдир

ман, эртақ билан ҳаётимиз орасида қандайдир боғлиқ борми? — деб сураймиз «Сўиом эртақлари» кўрсатувини ижодкори Иноят опа Абдусоатовадан.

— Ҳар бир эртақ ҳаётининг қайсидир жиҳатларини ўз ичига олади. Мен ўзим эртақларни жуда яхши кўраман. Биз ёшлигимизда бувим Фотима аянинг эртақларини тинглаб катта бўлганмиз. Улар жуда кўп эртақларни биларди. Биз оилада 4 қиз ва 1 ўғил узун тунлар бувимнинг эртақларини эшитиб, зерикмасдик. Энди ўйлаб қарасам, бувим айтиб берган эртақлар орасида ўзлари яратганлари ҳам кўп экан. У киши бизни ҳеч ҳам уришмасдилар. Бизнинг қилган хатоларимизни эса эртақлар орқали тушунтиришга ҳаракат қилардилар. Эртақларнинг манбаи — ҳаёт, қолаверса, болаларимизнинг ўзларидир.

Дарвоқе, ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар эртақларда ифодалангандек, эртақда яратилган баъзи-бир «кашфиёт»ларни биз ҳаётимизда гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳали самолётларимиз йўқ пайти одамлар ҳавода учини орзу қилганлар. Бунинг натижасида «Уچار гилам» эртаги яратилган бўлса, бугунги кунимизда «Уچار гиламлар» самолётлар шаклида ҳаётимизга кириб келди. Биз шу боис ҳам эртақларга суянамизда.

— Иноят опа, «Оқшом эртақлари» кўрсатувини учун эртақ танлашда нималарга эътибор берасизлар?

— Болалар куруқ гапни севмайди. Фақат насихат қилаверсангиз уларни ўзингиздан бездириб қўйишингиз мумкин. Шунинг учун болалар дунёсига эртақлар олами орқали кириб, уларни тарбиялашга ҳаракат қиламиз. Бизнинг мақсадимиз эртақлар орқали болаларда инсоний тўнгуларни шакллантириш,

кўрсатувимизда тез-тез қатнашиб туришса. Шунда болаларни ўзларига жалб қилувчи турли мавзудаги эртақлар танлаш имконияти бўларди.

Кейинги пайтларда «Оқшом эртақлари» кўрсатувини берилётган мультфильмлар ҳам болалар руҳиятига мос равишда танланмоқда ва фақат ўзбек тилида берилмоқда. Бироқ, кўрсатув ижодкорлари бу ўринда айрим муаммоларга дуч келаяпти. Шу пайтгача чет мамлакатларда яратилган мультфильмларни ўзбекчага дубляж қилиб намойиш этишмоқда. Қачон энди бизнинг миллий мультфильмларимиз яратилади? Бутун Ўзбекистон болалари буни кутишмаяпти.

Уларнинг бу истаклари «Тонг юлдузи» таҳририятига келган мактубларидан ҳам билиниб турибди. Уқувчилар ўз хатларида биздан «Оқшом эртақлари» кўрсатувини орқали миллий эртақ ва миллий мультфильмлар намойиш этишимизни илтимос қилишмаяпти, талаб қилишмаяпти. Ахир қачонгача мустақил Ўзбекистон фарзандлари Америка ёки Франция мультфильмларини кўришлари керак? Ўзбек мультфильм студиясини яратиш пайти келмадимикан?

Мен фурсатдан фойдаланиб, бир нарсани таъкидлаб ўтишни хоҳлардим. Айрим жойларда электр токини соат 6.00 дан 9.00 гача узиб қўйишмаяпти экан. Болаларимиз бундан жуда хафа, чунки улар «Оқшом эртақлари»дан бебаҳра қолишмоқда. Илтимос, бунга эътибор беринг, катталар!

Якшанбадан ташқари ҳар кун 15 минут эфирга бериб борилаётган «Оқшом эртақлари» кўрсатувини тайёрлаш осон эмас, албатта. Бу кўрсатув тайёрловчи гуруҳдан жуда катта куч-гайрат, ирода ва ижодкорлик талаб қилади. Ташаббускор жамоа эса кўрсатувни янада сеҳрли ва таъсир-

ланиб келаятган жиҳоз ва кўғирчоқларимиз ниҳоятда эскиб кетди. Уларни янгилаш зарур. Бунга ёрдам берувчиларни ҳам болам деб юрган тadbиркор ота-оналардан изласак дедим.

«Оқшом эртақлари» ижодкорларининг иш фаолиятини кузатар эканман, 7 кишидан ташкил топган бу гуруҳнинг улкан масъулиятни ҳис қилган ҳолда турли машаққатларни энгиб, Республикаимиз болаларининг маънавий дам олиши учун самарали меҳнат қилишайтганлигининг гувоҳи бўлдим. Мени ўзига жалб этган яна бир нарса гуруҳ иштирокчиларининг узаро ҳамжиҳатлиги, аҳиллиги, бир-бири билан булган илиқ муомаласи бўлди.

Бу муҳитни яратишда эса шубҳасиз, Иноят опа Абдусоатованинг ҳиссаси катта. Кўрсатув ижодкорлари ширинсўз, хушмуомала Иноят опани энг меҳрибон кишини, энг яқин сирдошидек эъзозлашади.

Ҳар бир ишда унинг маслаҳатларига амал қилишади.

ди. 10-синфда ўқиб юрган чоғидан кичик ҳажмли кўрсатувлар тайёрлай бошлаган Иноят опа мана 35 йилдирки ойнаи жаҳон кўрсатувларининг ранг-баранг булишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу давр ичида у болалар ва ўсмирлар учун кўплаб кўрсатув-

Болалар, ҳаммангиз Микки Маус, Плуто, Доналд каби ажойиб мультфильмларни томоша қилгансиз. Лекин шу мультфильмларнинг ижодкори Уолт Дисней ҳақида унча яхши билмасангиз керак.

Жаҳондаги энг машҳур мультфильмлар муаллифи Уолт Дисней бутунги кунда бутун дунёга таниқли. Ҳатто олис чул фуқароларидан тортиб, яйдок музлюкларда кун кечирувчи эскимосларгача — барча-барча унинг номини яхши билишадди.

Аляскалик эскимослар ҳатто Микки Маус деб аталувчи махсус клуб ҳам тузишган ва унинг аъзолари доимий тарзда муз булақларидан қурилган қулбалардан бирида йиғилиб туришадди...

Дисней болалигидан расмом булишни орзу қилган. Қуллардан бир кун у иш қидириб чизган суратларини кутарганча, «Канзас сити стар» газетида бош уриб боради. Бироқ унинг ишлари билан танишган муҳаррир унда истеъдоддан асар ҳам йўқлигини айтгач, умидлари пучга чиққанча уйига қайтади. У излай-излай ниҳоят кам бўлса-да пул туланувчи иш қидириб топади ва отасидан қолган эски гаражни ўз устахонасига айлантириб черков буюртмаси буйича суратлар чиза бошлайди.

Қулларнинг бирида гаражда сичқон пайдо бўлади. У бечораҳол мусаввирга тирноқча парво қилмас, тинимсиз у еқдан-бу еққа, бу еқдан-у еққа уйноқлаб сакради. Бундан завқланган Дисней сичқонга нон ушоқлари келтириб беради. Сичқон эса бу сервасу билан яхши инсонга шу қадар урганиб қоладики, ҳатто ишлаётган пайтида Молбергининг устига чиқиб утирадиган бўлади.

Қулларнинг бирида Дисней ўз хонасида ишлаб утириб, бирдан

УОЛТ ДИСНЕЙНИ БИЛАСИЗМИ?

эски қадрдони ҳақида эслаб қолади. Номига энг йирик кино юлдузларидан ҳам куп хат келувчи машҳур Микки Маус шу тариқа дунёга келади. Уолт Дисней қайвонларнинг узини туттишини, яна бир қарра кузатиш ва уларнинг овозларига қулоқ солиш мақсадида ҳар ҳафта қайвонот боғига борарди. Агар билсангиз, Микки Маус ҳақидаги фильмларда сичқонга унинг ўзи овоз берган, шунингдек бошқа бир қанча қаҳрамонларнинг овозлари ҳам уники. Бир сафар у ходимларига болалигида онасидан эшитган бури ва 3 чучқа боласи ҳақидаги эртақ асосида фильм яратишни таклиф қилди. Бунинг барча ходимлар жўр овозда рад этдилар. Бироқ, Диснейнинг айтишича, уни бу гоё сира тинч қўймайди, унуттишга қанча ҳаракат қилмасин, хаёлида қайта-қайта жонланаверади. Лекин ходимлари ҳам буш келишмади, бундан тузук бир нарса чиқини қийин дея рад этишарди ҳар сафар.

Ниҳоят, улар фильмни суратга олишга рози булишди. «Жуда истаётган бўлсангиз, майли сазангиз улмасин, бир уриниб қураимиз», — дейишди. Фильм жуда катта муваффақият қозонди. Чучқа болаларининг «биз буридан қўрқмаймиз, қўрқмаймиз, қўрқмаймиз» деб бошланувчи қўшиги тез орада бутун дунё болакайларининг тилида жаранглади.

Фақат ўз ишига бутун вужуди билан берилган кишигина муваффақиятга эришини мумкин деб ҳисобларди Уолт Дисней ва албатта бу борада янглишмади у.



КАТТАЛАР БОЛАЛАР НИГОҲИГА ТУШДИ

Кеча мактабимизда «Тонг юлдузи»нинг янги сонида босилган «Менинг дадам ёмон одамми?» деб номланган мақоланинг муҳокама...

«Катта арава қайси йулдан юрса, кичиги ҳам уша йулдан юради дейди доно халқимиз. Шунинг учун катталар доимо ҳамма ишда кичикларга урناق булиши, уларни ҳар бир қадамда назорат қилиб тугри йулга бошлаши керак...

Яна мактабимизнинг таълим-тарбия ишлари бўйича директор уринбосари Муборак опа Абдуллаева ҳам бу мақолага уз муносабатларини билдириб, шундай дедилар:

«Ганишернинг мақоласи ҳар бирингизга ибрат бўлмоғи лозим. Сиз ҳам Ганишер уртоғингизга ухшаб ҳар бир қадамда узингизни тергаб, босаётган қадамнингизнинг, қилаётган ишингизнинг охири қандай тугашини уйлаб иш қилинг. Ахир, ёмон одамлар осмондан тушмайдику? Улар ана шу булса булар, булмаса ундан нарига деб қул силтаб қуйишимизу, бизнинг бепарволигимиздан озикланиб униб усадилар. Мен ҳам ҳар бирингизга тенгдошингиз Ганишердек куйинчак ва исёнкор булишингизни ҳамда «Тонг юлдузи»ни мунтазам уқиб боришларингизни маслаҳат берардим. Шунда ҳаммангизнинг дунёқарашингиз узгаради ва тевақатрофингизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ булмасликни урганасиз».

Муҳокамада кўпчилигимизни қийнаб келаётган саволларга адабиёт уқитувчиларимиз Фотима опа Жураева ва Шоҳсанам опа Тешаевалар ҳам батафсил жавоб бердилар. Шундай қилиб, бир мақола баҳонасида уқитувчи ва уқувчилар уртасида ажойиб мулоқот бўлиб утди. Утган йили биз «Тонг юлдузи»га ярим йиллик учун обуна булгандик. Бу йил эса ҳар бир синф 2 тадан тулиқ бир йилга обуна булдик. Ҳатто синф раҳбаримиз Улмас опа Сафарова ҳам узлари алоҳида шу газетага обуна булдилар. Мактабимиз қоровули, 70 ешдан ошган Раҳим бобо Курбонову мактабимиз боғбони Шо-раим тоға Ҳотамовлар ҳам обуна булишдан четда қолмадилар.

Қадри «Тонг юлдузи»нинг ижодий ходимлари! Газета саҳифаларида «Катталар болалар нигоҳида» деган рукни йил бўйи давом эттирсингизлар, нафақат тенгдошларимизни теран фикрлашга ургатган булардингиз, балки, катталарни ҳам узларига танқидий куз билан қарашга, уз-узларини муҳокама қилишга ундардингиз. Газеталарингизни 1998 йилда бундан-да сермазмун булишини тилаб қоларканман, барча тенгдошларимни 1998 йил учун «Тонг юлдузи»га обуна булишга чақираман. Сизларга салом билан

Салима ДЎСТОВА, Бухоро вилояти Жондор туманидаги 20-мактабнинг 8-синф ўқувчиси


ЁШЛИК ТЎРТЛИКЛАРИ

Яшариб кетаман ёшларни курсам. Утганим бир дамга такрор бошланар. Ёшлик уз меҳрига қонгани қуймас. Қуёшга боққандек қузим ёшланар. Ёшлар, қулмангизлар ҳеч кексалардан. Шундай булар қаригач киши. Қариликни эслатди менга Ёшлигимнинг тушга қириши.

Ёшимни сурадинг, айтдим борини. Ёшликка бординг-да, айб қилдинг-ку. Қарилик етганин қуйиб буйнимга. Ногаҳон кунглимни майиб қилдинг-ку. Ёшликни гул десам, севги болари. Ёшликда нуқсонсиз буларкан бари.

Қарилик етишгач, сендан ҳаммаси бар. Узрсиз узоқлаб кетаркан бари. Ҳаётга келдингми вақти-бемаҳал Яхшидан ёмонга йўйма отингни. Замон фарзанди бул, содиқлик билан Сен унга тугрилаб ол соатингни. Ғура пишиб холво булади. Холва пишса қуруқ қуйинди. Ғура эдинг шира олибсан,

Меъёрингдан ошма, қуйинди. Катта бир суз деганда Сочинг тикка булмасин. Мен киму сен ким дея Ҳаёлинг булинмасин! Яхшилик бсназир, яхшилик ҳаққи, Гулларга бурканур мангу ҳаётинг. Ёмонлик касб этсанг, тиригингдаёқ Улгандек қорада ёзилар отинг. Толиб ЙЎЛДОШ



Энди мана бу шеърни тингланг

Дилшод эрта тонгда уйғониб қараса, дадаси ҳали ҳам ухлаб ётибди. «Касал буб қолмадилармикан?» уйлади ҳадиксираб. Шу пайт онаси қулида супургиси билан кириб келди. — Ойи, дадам оппоқмилар, ё касал булиб қолдиларми? — сурди у онасидан. — Кеча туйда даланг роса «торгганлар». Бугун эса дам олиш кунини, яна бирор ҳашарми, туйми чиқиб қолмаса, уйда


си нариги хонадан чиқиб келди. — Профессор булиб кетдингми? — Бормайман, боргим келмаяпти... — Ҳой дадаси, эшпитяпсизми манави тиррачангизнинг гапини? Мактабга бормас эмиш. Дадаси билан қолгиси келганмиш. Камарингизни соғинганга ухшайди. Дилшодни дадаси ҳеч қачон на камар билан, на қули билан

ДАДАМ БИЛАН ҚОЛГИМ КЕЛДИ

буладилар. Дилшод хурсанд булиб кетди. Ниҳоят дадаси билан бирга уйда булади. — Дилшод, чойингни ич, дарста кеч қоласан. — Ойисининг бу гапларидан Дилшоднинг бошига совуқ сув қуйгандек булиб кетди. Дарвоқе, бугун шанба-ку, мактабга бориши керак. Бироқ унинг ҳечам мактабга боргиси келмади, дадажониси билан уйда қолгиси келди. Ахир дадаси дам олиш кунларида ҳам айтарли уйда булмайди-да, гоҳ хизмат сафари дейди, гоҳ таниш-билиш, қариндош-уруғларникида туй-ҳашам... Бугун эса дадасининг бемалол етишига қараганда, кун бўйи уйда буладиган куринади. — Дилшод, тез бул, кийинмайсанми?! — яна қистовга олди онаси. — Бормайман... — секингина мингиллади Дилшод. — Нима, бормайман? — ойи-

урмаган булса-да, негадир бадани жимирлаб кетди. Оҳиста кийинди-да, папкасини қулига олди. — Дилшод, ҳой Дилим, — дадасининг чақираётганини эшитиб, дарвозанинг енидан орқасига қайтди. — Қани полвон, бир ачомлашайлик-чи. Дилшод дадасининг кучоғида йуқ булиб кетди. — Мактабга боргинг келмаяптими? — Сизни соғиндим, дадажон, бугун уйда сиз билан қолай... — Майли уғлим, қолақол. Бир кун мактабга бормасанг, осмон узилиб ерга тушармиди? Дилшод урнидан сакраб туриб, суюнганидан уйнаб кетди. Бу «битим»дан беҳабар ойиси уғлининг ҳали ҳам уйдалигини қуриб тугоқиб кетди. — Сен ҳали ҳам кетмадинг-

Таклиф ми? Қани, дарров мактабга марш! — Дадам қолақолгин деяптилар, — деди қурқа-писа Дилшод. — Бугунча қолақолсин, мен ёнгоқ қоқаман, у теришади, — деди дадаси уғлининг енини олиб. — Қолаверса, уғлим билан бирор кун бирга булишга ҳаққим бордир. — Билганингизни қилинг, кунглига қараб, болани тал-



Унинг гапларини тинглар экан, муаллима бироз уйланиб қолди, ва деди: «Дадангнинг гапларида жон бор. Болаларнинг ота-оналари билан кўпрок бирга булишлари, уларни меҳнатга ургатишлари, таълим-тарбия беришлари учун имкон яратилса, яхши буларди. Уқувчиларга шанба кунини дам олиш кунини берилса, ёмон булмасдику-я!» — Ёмон булмасдиям гапми, зур буларди, — деди Дилшод севиниб.

Оллаёр БЕГАЛИЕВ

TONG YULDUZI Muassislar: UZBEKISTON RESPUBLIKASI HALK TA'ALIMI VAZIRLIGI, UZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT MATBUOT KUMITASI. Bo'sh muharrir: Umiida ABDUAZIMOVA. Ta'hir xay'ati: Murtazo SULTONOV, Jabbor RAZZOKOV, Gulnora YULDOSHEVA, Shermat ERMATOV, Xotam ABDURAIMOV, Muqimjon KIRFIZBOEV, Dadaxon EKUBOV, Isfandiyor LATIPOV, Yusuf SHODIMETOV, Feruza ODILOVA. IVM kompiyuterida terilgan va sa'xifalangan. Ofset usulida bosildi. 10960 nusxala bosildi. Kog'oz bincami — A-3. Bosilish vaqti 19.00. Toshkent, 18.30. Ruyxatdan utinch tartibi № 000137. Manzilimiza: 700083, Toshkent shahri, Matbuotchilar kuchasi, 32-uy. Noshir kursatkichi: № 64563. Telefon: 1-33-44-25, 1-36-57-91, 1-36-54-210.